2012 ЙИЛ 14 МАРТ, ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 51 (12.112)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

**Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари**




## ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

***Хотин-қизларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш, маънавий савиясини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Зулфия мукофотининг таъсис этилиши ҳам мамлакатимиз хотин-қизларининг эзгу интилишларини рўёбга чиқариш борасида яратилаётган кенг имкониятлар сирасига киради.***

Бу мукофот кўплаб иқтидорли қизларимизни кашф қилиб, уларни янда ташаббускор бўлишга, изланишга ва янги ғояларни ҳаётга татбиқ этишга ундамоқда.

— Мен шундай келажаги порлоқ мамлакатнинг қизи эканлигимдан фахрланаман, — дейди Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей ўқувчиси Шоҳида Зоҳидова биз билан суҳбатда. – Бизга шундай улкан имкониятларни яратиб бераётган, Президентимизга, доимо ёнимда мени қўллаб-қувватлаб турган устозларимга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Зулфияхоним издошлари сафидан ўрин олган эканман, бундан кейин ҳам Ватанимизнинг юксалишига ўз ҳиссамни қўшишга ҳаракат қиламан.

Ҳа, эндигина ўн саккиз ёшни қаршилаган Шоҳиданинг қувончи чексиз, бахтиёрлигининг чегараси йўқ. Ахир Зулфия номидаги Давлат мукофотининг соҳибаси бўлиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун тинмай изланиш, ўқиш, ўрганиш анчагина тер тўкиб машаққат ва заҳмат тортиш керак бўлади.

Олти ёшли нимжонгина қизнинг соғлиғини тиклаш мақсадида сув ҳавзасига синхрон сузиш бўйича шуғулланишга берган онаси, унинг келажакда шундай нуфузли мукофотни қўлга киритишини тасаввур ҳам қилмаган бўлса керак. Оналар учун дунёда фарзанд саломатлигидан муҳимроқ нарсанинг ўзи йўқ. Шоҳида соғлиғини тиклаш баробарида, сузиш билан мунтазам шуғулланди. 2002 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон миллий терма жамоа аъзоси сифатида мусобақаларда иштирок этди. Бир неча маротаба Ўзбекистон чемпиони бўлди.

(Давоми 2-бетда)

***Наврўз байрами арафасида Кувайт давлатининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Халаф Бу ДХХАИР Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:***

## ХАЛАФ БУ ДХХАИР: НАВРЎЗ – ГЎЗАЛЛИК, МУРУВВАТ ВА САХОВАТ БАЙРАМИ

– Ўзбекистонда Наврўз айёми катта тантана билан нишонланиши гўзал анъанадир. Ушбу байрамнинг баҳор нафаси уфуриб, табиатда уйғониш, янгиланиш жараёнлари кечаётган, кеча ва кундуз тенглашган паллада нишонланишида катта маъно бор. Мен, икки йилдирки, ана шу ажойиб байрамни халқингиз билан биргаликда нишонлаётганимдан беҳад мамнунман.

Ўзбек халқининг урф-одатлари, асрлар оша сайқалланиб келаётган миллий қадрият ва анъаналари жаҳонга машҳур. Мамлакатингизда миллий, маънавий қадриятларни тиклаш, ривожлантириш ва тарғиб этиш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар эътиборга сазовор.

Халқларимиз кўп жиҳатдан бирбирига яқиндир. Ўзбеклардаги меҳр-оқибат, бағрикенглик, хушмуомалалик, меҳмондўстлик ҳамда ўз тарихи ва бугуни билан фахрланиш ҳисси каби гўзал фазилатлар кувайтликларга ҳам хос.

Жўғрофий жойлашуви бўйича тропик давлатлар сирасига кирувчи Кувайтда йил бўйи ёз фасли ҳукмрон. Иқлими жуда иссиқ бўлган бизнинг мамлакатда бу каби баҳор айёмлари нишонланмайди.

Гўзал баҳорнинг илиқ тафти сезила бошлаган пайтда янгиланиш ва яшариш фаслининг юртингиз чиройи билан ҳамоҳанг равишда уйғунлашуви ҳар қандай киши эътиборини тортади. Наврўз айёми арафасида мамлакатингизнинг барча ҳудудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, ҳашарлар ўтказиш анъанага айлангани ўрганишга арзигулик хайрли ишдир. Бу ажойиб одат халқни бирдамлик ва ҳамжиҳатликка бошлайди, мамлакатингизда тинчлик-тотувлик, аҳиллик, бағрикенглик ва яратувчилик мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ўзбекистондаги фаолиятим давомида турли соҳаларда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг, бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлмоқдаман. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ижтимоий ва иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштиришга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, халқ фаровонлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлари самарасида унинг халқаро ҳамжамиятдаги нуфузи тобора юксалмоқда.

Ҳар бир давлатнинг куч-қудрати, иқтисодий ва маънавий салоҳияти, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи кўп жиҳатдан замонавий кадрларга боғлиқ. Ўзбекистонда ёш авлодни юксак маънавиятли, бой билим ва тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш масаласи давлатингиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгилангани ғоят оқилона қарордир ва бу бутун дунёда кенг эътироф этилмоқда. Жорий йилнинг феврал ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистоннинг таълим соҳасига бағишланган халқаро конференцияда дунёнинг кўплаб мамлакатларидан олим ва мутахассислар иштирок этгани мамлакатингиз таълим тизимига халқаро миқёсда қизиқиш катта эканидан далолатдир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини яқинлашиб келаётган Наврўз байрами билан чин дилдан муборакбод этаман. Эл-юртингиз омон, осмонингиз доимо мусаффо бўлсин.

**Мадина УМАРОВА**
**ёзиб олди.**

## ПОЧТА АЛОҚАСИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ САМАРАСИ

***Ҳозирги глобаллашув даврида ахборот-коммуникация технологияларисиз бирор-бир соҳа фаолиятини тасаввур қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ва жамият қурилиши тизимида миллий ахборот ҳудудининг изчил ривожланишини таъминлашга қодир замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш зарурлиги алоҳида таъкидланган.***

Бу йўналишда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти самарали фаолият олиб бормоқда. Тошкентда бўлиб ўтган матбуот анжуманида «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти бош директори Р.Қосимов почта алоқасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, соҳани модернизация қилиш ва хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш ҳақида атрофлича сўз юритди.

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти почта хизматининг сифатини янги босқичга кўтариш имконини берадиган илғор иш услубларини фаол жорий этмоқда. Бутун дунёда бўлгани каби асосий эътибор ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланишга қаратилмоқда, бунинг натижасида фаолият кўлами доимий равишда кенгайиб бормоқда.

(Давоми 2-бетда)

Шаҳримиз янада обод ва кўркам бўлсин

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

**17-18 март кунлари юртимизда умумхалқ хайрия ҳашари бўлиб ўтади.**

***Ҳашар — элга ярашар, дейдилар. Ўлкамизга файз-тароват ила яқинлашиб келаётган Наврўзи олам шодиёналари арафасида ҳамжиҳатликда, якдиллик билан яратиш, яшнатиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига бош қўшайлик.***

***Умумхалқ ҳашарида фаол қатнашиб, маҳаллаларимиз, кўчаларимиз ва хонадонларимизни ораста ва обод этайлик.***

***Озодалик, хуш кайфият ва ободлик билан Наврўзга пешвоз чиқсак бутун йилимиз файзли, баракотли, қувончли воқеаларга тўлиқ ўтади, азизлар.***

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Республика Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг 2011 йил якунлари ва «Мустаҳкам оила йили»да белгиланган вазифалар ижросига бағишланган навбатдаги кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТДАГИ** Россия фан ва маданият маркази ҳамда Ўзбекистон рус маданият маркази ҳамкорлигида рус тили бўйича танлов ўтказилмоқда. Танлов ғолиби Россия олий ўқув юртларидан бирида ўқиш имкониятини қўлга киритади. Танлов Тошкент шаҳри ва вилоятидаги коллеж ва лицейларнинг 1-3 босқич талабалари ўртасида ўтказилмоқда.

✓ **23 МАРТ** куни Миллий санъат марказида «Болажонлар-ширинтойлар» болалар мода фестивалининг якунига бағишланган гала-концерт ўтказилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Навоий вилоятида «Таманно» кўрик-танловининг ҳудудий босқичи бўлиб ўтди. Мустаҳкам оила йилига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда танловнинг қуйи босқичларида ғолиб бўлган 15 нафардан зиёд истеъдодли қизлар пазандалик, орасталик, адабиёт ва санъат йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.**

**• «Ҳамкорбанк» очиқ акциядорлик тижорат банки кўмаги билан Андижонда «Андметалл ҳамкор» корхонасида кунига уч минг донагача шифер ҳамда турли ҳажмдаги қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу йигирмата иш ўрни яратилишига имкон туғдирди. Айни кунларда корхона маҳсулотларига нафақат водий вилоятларидан, балки мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан буюртмалар тушяпти.**

**• Оҳангарон туманидаги «Фароғат» хусусий корхонасига 200 миллион сўмлик маблағ эвазига замонавий дастгоҳлар ўрнатилиши билан 30 нафар маҳаллий хотин-қиз доимий иш ўрнига эга бўлди. Янги жамоа ички бозорга дастлабки 207,5 миллион сўмлик болалар ва катталар кийим-кечакларини етказиб берди.**

**• Денов туманидаги хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда 150 та корхона, ташкилот ва муассаса ўзидаги мавжуд 218 та бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Шу куни 83 киши иқтисодиётнинг турли тармоқларига ишга жойлашди. Янги иш ўринларига эга бўлганларнинг 65 нафарини ёшлар ва хотин-қизлар ташкил этади.**

**• Самарқанд туманидаги «Agromir-Samarkand» қўшма корхонасида мева-сабзавотни қайта ишлашга мўлжалланган янги лойиҳа амалга оширилди. Қиймати 3,5 миллион еврони ташкил этувчи ушбу лойиҳа туфайли соатига 9 минг қути шарбат тайёрлаш имконияти юзага келди. Шу билан бирга, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 320 нафарга етди.**

### ЖАҲОНДА

**• Европа Иттифоқининг Молия вазирлари даражасидаги Кенгаши Грецияга 130 миллиард евролик ёрдам кўрсатиш режасини маъқуллади.**

**• Кеча Лондон хом ашё биржасида бўлиб ўтган навбатдаги савдолар чоғида Brent русумли нефтнинг нархи 0,88 долларга ошиб, бир баррели 126,22 долларни ташкил этди. Нью-Йоркдаги биржада ўтказилган савдолар натижасида эса WTI русумли нефтнинг нархи 0,37 долларга кўтарилиб, бир баррели 106,71 долларга етди.**

**• Кеча Мексиканинг жануби-ғарбида магнитудаси 5,6 балли ер қимирлаши юз берди.**

**• Бангладешда содир бўлган паром ҳалокати оқибатида бир юз эллик нафар киши бедарак йўқолган. Икки юзга яқин йўловчиси бўлган мазкур кема Менга дарёсида бошқа бир кема билан тўқнашган.**

**• Австралия ҳукумати маст ҳолда автотранспорт бошқариб қўлга тушган ҳайдовчилар учун махсус ҳайдовчилик гувоҳномасини таъсис этди. Энди йўл қоидасини бузган кишига олти ойдан ўн икки ойгача ўз кучида қолувчи гувоҳномалар тарқатилади. Агар шу вақт мобайнида ҳайдовчи маст ҳолда яна автомобиль бошқарса, унга қамоқ жазоси берилади, шунингдек, жарима ҳам тўлайди.**

**• Кеча Эфиопияда жангариларнинг автобусга ҳужум уюштириши натижасида 19 киши ҳалок бўлди.**

**• Кеча Махачқалъада амалга оширилган махсус операция чоғида икки нафар жангари, жумладан жиноий гуруҳ бошлиғи йўқ қилинди.**

**• Куба ОИВ ва ОИТС касаллигига қарши вакциналарни инсонда клиник синовдан ўтказишни бошлаяпти. Бу ҳақда ген муҳандислиги соҳасида ўтказилаётган клиник тадқиқотлар раҳбари Верена Муизо маълум қилди. TERAVAC-VIH-1 деб номланган вакцина 30 нафар кўнгиллида синовдан ўтказилади. Айтиш керакки, илгари лаборатория каламушлари устидан ўтказилган тажриба шундай ижобий натижа берганди.**

# ЭЗГУ ОРЗУЛАР РЎЁБИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

2007 йилда Мисрда бўлиб ўтган очиқ чемпионатда биринчи ўринни эгаллаб олтин медаль соҳибасига айланган бўлса, 2008 йилда Таиланд очиқ чемпионатда олтин, кумуш медалларни қўлга киритди. 2009 йилда Японияда ўтказилган Осиё биринчилиги мусобақаларида ҳам ҳурмат шоҳсупасининг энг юқори поғонасидан ўрин олди.

2009 йил ноябрь ойида Хитойда ўтказилган халқаро мусобақада кумуш ва бронза медаллари совриндори бўлиб, халқаро спорт устаси номига сазовор бўлди. 2011 йилда Малайзияда биринчи, Индонезияда ўтказилган Осиё чемпионатида тўртинчи ўринларни эгаллади. Шунинг баробарида академик лицейда ҳам барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиб келмоқда.

— Шоҳиданинг қўлга киритган ютуқлари ортида изланишлар ва тинимсиз машғулотлар мужассам, — дейди Тошкент Тиббиёт академияси қошидаги академик лицей директори Анвар Шермуратов. — У жуда тиришқоқ, меҳнаткаш, тиниб-тинчимайдиган қиз. Шоҳиданинг ютуқлари замирида ўзига ишонч, Ватанимизга бўлган муҳаббат туйғулари ҳамиша биринчи ўринда туради.

Дарҳақиқат, жамиятнинг юксалиши ва маънавий баркамоллиги хотин-қизларга бўлган муносабатда ўз аксини топмоқда. Шоҳида сингари Ватанимиз шарафини юксакларга кўтараётган қизларимизнинг сафи йилдан йилга ортиб бориши эса, мамлакатимизда хотин-қизларга яратилаётган имкониятлар самарасидир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Шоҳида Зоҳидова**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

***Яқинда «Тошкент» халқаро аэропортига «Boeing-767-300ER» русумли яна бир самолёт келиб қўнди. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг паркидаги самолётлар таркибида Американинг дунёга машҳур «Boeing» корпорацияси томонидан ишлаб чиқарилган бир неча ҳаво кемалари бўлиб, улардан муваффақиятли фойдаланиб келинаётир.***



**СУРАТДА: ҳаво кемаси командири Темур Файзуллаев**

**Сарвар Ўрмонов (ЎзА) олган сурат**

***Шу кунларда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Республикамизнинг барча ҳудудларида «Мулкдор оила — фаровон жамиятимиз бунёдкори» мавзусидаги форумлар доирасида «Лойиҳаларимиз — ёшларга, тадбиркорларга ва ҳар бир оилага» мавзусида лойиҳалар тақдимоти ўтказиб келинмоқда.***

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Куни кеча Тошкентдаги «Пойтахт» бизнес марказида ҳам ушбу форум юзасидан катта анжуман бўлиб ўтди.

Қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури жамиятимиздаги ҳар бир фуқаро ва ҳар бир ташкилот зиммасига катта масъулият юклаши, ЎзЛиДеП ҳам ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда ўзига хос ишлар орқали мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга интилаётгани, партия ташаббуси билан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар ўзининг амалий самараларини бераётгани ҳақида тадбирда алоҳида таъкидлаб ўтилди. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 2011 йил давомида ЎзЛиДеП, Марказий банк ва бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирларда 11 минг нафардан зиёд битирувчи ёшлар, кичик бизнес ва фермерлик субъектлари вакиллари қатнашиб, 500 дан ортиқ тадбиркорларга ўз бизнесини йўлга қўйиш ва ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 7 миллиард сўмлик имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди. Республикамизнинг турли ҳудудларида ўтказилган мазкур тадбирлар, ажратилган кредит маблағлари ёшларни ва аҳолининг бошқа қатламларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка жалб қилиш баробарида аҳолининг иқтисодий фаровонлиги юксалишига ва янги иш ўринлари яратилишига ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг муҳим йўналиши сифатида ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига кенг жалб қилишга қаратилган «Диплом билан бизнесга» лойиҳаси амалга оширилмоқда. 2010-2011 йилларда мазкур лойиҳа доирасида ўтказилган ўқувларда фаол иштирок этган ёшларга тижорат банклари томонидан қарийб 3 миллиард сўмга яқин кредитлар ажратилиб, улар томонидан 2мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Тадбир давомида «Мустаҳкам оила йили»да ЎзЛиДеП ва унинг ҳамкорлари томонидан амалга оширилиши кўзда тутилаётган «Мулкдор оила», «Тадбиркорлар мулоқот форуми», «Диплом билан бизнесга», «Ишбилармон ўқувчи», «Парламентда менинг ўрним», «Бир тадбиркор — уч ҳамкор», «Агар мен депутат бўлсам» ҳамда «Хавфсиз интернет» каби лойиҳаларнинг тақдимоти ўтказилди.

**Нигора БОЙХЎЖАЕВА**

**Анжуманлар**

## ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙЎЛИДА

***Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан «Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги режалар» мавзусидаги матбуот анжумани ўтказилди. ОАВ вакиллари иштирок этган йиғилишда жойларда аҳоли ҳуқуқий маданиятини ошириш йўлида қилинаётган ишлар, ўтказилаётган тадбирлар ва уларнинг натижалари кўриб чиқилди.***

Ҳеч қайси давлат жамиятда фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантирмасдан, ҳуқуқий маданиятини юксалтирмасдан туриб, қонун устуворлигига эриша олмайди. Шу сабаб мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ, юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишга жиддий эътибор қаратилди.

– Агар биз ривожланган давлатлар тарихига назар ташлайдиган бўлсак, улар ўз мустақилликларининг дастлабки йилларида жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни ривожлантириш масаласига бирламчи вазифа сифатида қараганлигининг гувоҳи бўламиз, – дейди Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг масъул ходими Тоҳир Саидбобоев. – Демак, бизда ҳам истиқлолимизнинг аввалида мустақиллик – ҳуқуқ демакдир, деган ғоянинг ҳаётга татбиқ этилиши ўзининг ижобий самарасини бера бошлаганини кўришимиз мумкин. Мана шу амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида бугунги кунда фуқароларимизнинг қонунларга нисбатан ҳурмати, уларни билишга бўлган қизиқиши ортиб бораётганининг гувоҳимиз. Адлия вазирлиги ҳам тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш масалаларига алоҳида аҳамият бериб, бу борада ўтказилаётган тадбирларни оммавий ахборот воситалари орқали ёритилишига катта эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда Адлия вазирлиги томонидан тармоқ дастурлари қабул қилинган бўлиб, март ойи охирларига қадар республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам электрон воситалари орқали тарғибот тадбирлари ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Бундай табирларни ўтказишдан асосий кўзланган мақсад – фуқароларни қонунлар, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари билан яқиндан таништиришдир. Ўйлаймизки, бугунги матбуот анжуманида ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қайси жиҳатларга эътибор қаратиш кераклиги атрофлича муҳокама қилинади.

Матбуот анжуманида аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида вазирлик томонидан ўтказилган 11 мингдан зиёд ҳуқуқий тадбирлар ОАВ орқали ёритилгани, бу борада Олий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура ва Ички ишлар вазирлиги билан имзоланган Меморандум асосида амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бераётгани таъкидланди.

Бундан ташқари, 2011 йил мобайнида 400 минг нусхадан ортиқ Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслар, кодексларга шарҳлар, кодекслар тўпламлари, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, юридик соҳага оид китоб ва журналлар нашрдан чиқарилиб, тарқатилди. Таълим муассасаларининг ўқув дастурлари Концепцияда белгиланган устувор вазифалар билан бойитилиб, аҳолига 9 номдаги ўқув-услубий қўлланмаларнинг 20 минг нусхаси тарқатилгани қайд этилди.

Анжуман сўнгида қонун ижодкорлиги, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, вазирликнинг халқаро, таълим, суд-экспертиза, малака ошириш йўналишларида амалга оширилаётган тадбирлар юзасидан журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб берилди.

**Отабек ОТАЁРОВ**

**Фан**

## ГЕОДЕЗИК УСУЛЛАР САМАРАСИ

***Архитектура ёдгорликларида халқимизнинг ўтмиши, тарихи, илм-фан тараққиёти, маданияти акс этган. Уларнинг зангори гумбазлари, нафис пештоқлари ва миноралари инсон қўли билан яратилган ажойиб ижод намуналари саналади.***

— ЮНЕСКО томонидан Шаҳрисабз шаҳрининг маданий ёдгорликлари эса Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилиши ҳам айни муддао бўлди, — дейди таниқли архитектор Бахтиёр Асқаров.

Бу бир қатор архитектура ёдгорликларининг техник ҳолатини атрофлича ўрганиш учун эса Тошкент Архитектура-қурилиш институти таклифи билан маблағ ажратилган эди. Шу муносабат билан олий ўқув юрти мутахассислари архитектура ёдгорликларида муҳандислик муаммолари, уларнинг мустаҳкамлиги, зилзилабардошлиги мавзуида илмий-тадқиқот ишларини бошлаб юборишди.

Шаҳрисабз архитектура ёдгорликлари устида олиб борилган илмий изланишларнинг натижалари, унда ишлатилган усуллар нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам қўлланиши мумкин.

Зеро, Россиянинг Суздаль шаҳридаги меъморий обидаларни техник жиҳатдан ўрганишда Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг олимлари томонидан ишлаб чиқилган геодезик усуллар қўлланилганлиги бунинг исботидир.

**Аҳмад АББОСОВ**

## ПОЧТА АЛОҚАСИДА АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Миллий оператор сифатида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида универсал хизмат кўрсатиш бўйича эксклюзив ҳуқуққа эга бўлган «Ўзбекистон почтаси» халқаро почта алмашинувини ҳам таъминламоқда. «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамияти нафақат анъанавий хизматлар, балки шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун тўловларни тезкорлик билан қабул қилиш, почта алоқаси бўлимларида «Ўзбектелеком» акционерлик компаниясининг биллинг тизимига уланган уй телефонлари учун абонент тўловларини қабул қилиш каби хизматларни ҳам кўрсатмоқда. Электр энергияси ва бошқа коммунал хизматлар учун ҳам тўловлар қабул қилинмоқда.

Почта алоқасини юритишнинг замонавий механизмларидан фойдаланиш туфайли унинг кўплаб объектлари автоматлаштирилган электрон пул ўтказиш тизимига уланган, шунингдек, хорижий давлатлар билан ўзаро алоқалар йўлга қўйилган, почта хавфсизлиги таъминланган, энг янги ахборот технологияларидан фойдаланиш турли юқори сифатли ва тезкор хизматларни амалга ошириш имконини бермоқда.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг сайтига маълумотларни жойлаштириш имконини берувчи, жўнатилаётган почталарни рўйхатдан ўтказишни штрих-кодлардан фойдаланган ҳолда назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган эди. Бу тизимга «Халқаро почтамт», 15 айрибошлаш пункти филиали ва 187 почта алоқаси бўлимининг саралаш участкалари бириктирилган.

Ҳудудий филиаллар томонидан почта алоқаси объектларида «Алоқабанк» ва бошқа банклар билан ҳамкорликда 1100 дан зиёд ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилди. «Тошкент почтамти» филиали томонидан интернет орқали курьерлик хизматларига буюртмалар олиш тизими жорий қилинди.

2010 йилда «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятига IQNET халқаро сертификат тармоғининг DQS сертификати ҳамда ISO 9001:2008 халқаро стандарт талабларига мос сифат менежменти тизимини жорий қилиш ва ундан фойдаланиш ҳақидаги «Ўзстандарт» агентлигининг миллий сертификати топширилди.

Ҳозирги вақтда почта алоқаси тармоғини модернизация қилиш, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизмат кўрсатишнинг янги турларини жорий этиш бўйича ҳукуматимиз томонидан тасдиқланган дастур босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Лойиҳа доирасида нафақалар, обуналар, бошқарув ва молиявий ҳисоботларни назорат қилиш ҳамда ҳисоб-китобларни олиб боришнинг автоматлаштирилган тизимини амалиётга татбиқ қилиш ҳам назарда тутилган. Келажакда 250 почта алоқаси бўлимларини жиҳозлаш, турли пул ўтказмалари бўйича тўловларни қабул қилишни ташкил этиш ва уни кенгайтириш, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг интернет-магазини орқали товарларни етказиб бериш ва тўловларни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш, шунингдек, «Почта орқали товарлар» хизмати, интернет орқали электрон обуна ва бошқа янгиликларни жорий этиш мўлжалланмоқда.

**Виктор НИКОЛАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

**«Наврўз – 2012»**

## ЯНГИЛАНИШ АЙЁМИГА – БЕҒУБОР НИЯТЛАР БИЛАН

***Фасллар келинчаги бўлмиш баҳорнинг келиши одамлар учун ҳар доим энг қувончли воқеа бўлган. Кўп асрлик бой тарихга эга халқимиз ҳаётида эса кўклам ўзига хос рамзий маънога эга бўлиб, бу табиатнинг уйғониши, тинчлик ва осойишталик шодиёнаси, йилнинг серҳосил келиши билан боғлиқдир. Наврўз – бу янги кун, янгиланиш палласи демакдир. 21 март, яъни табиат уйқудан уйғониб, баҳорги тенгкунликда нишонланадиган ушбу байрамнинг номида қанчалик теран маъно-мазмун бор.***

Наврўзнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у бизни гина-кудуратларни унутиб, кечиримли бўлишга ўргатади, умид ва ишонч билан порлоқ келажак сари интилиб яшашга чорлайди. Шу кунларда халқимизга хос меҳмондўстлик, одамларга нисбатан меҳр-шафқатли, инсоний муносабатда бўлиш каби қадимий урф-одат ҳамда анъаналаримиз янада ёрқин намоён бўлади. Зеро, соф ва беғубор ниятлар мамлакатимизда қарор топган барқарорлик, тинчлик ва осойишталик кафолатидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, бугун мана шундай хавфли-таҳликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳали-бери давом этаётган бир пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқаролараро тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди. Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.

Пойтахтимизнинг Ҳамза туманидаги 55 маҳаллада турли миллат ва элат, дин вакилларидан иборат 210 минг нафардан ортиқ киши тинч-тотув истиқомат қилади. Ўзбекистонда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила бўлиб яшамоқда, уларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари, билим олиш, касб эгаллаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ва биз бу билан фахрланамиз!

Халқимиз ўз ривожланиш йўлини танлаганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ, мана шу қисқа вақт ичида барча жабҳаларда салмоқли натижаларга эришилди. Масалан, 2000-2011 йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 мартага кўпайди ва ўтган йили бу кўрсаткич 8,3 фоизни ташкил этди. Бу Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланиб бораётган давлатлари қаторига кирганидан яна бир далолатдир.

Маълумки, тинчлик ва барқарорлик ҳукм сураётган, маънавий қадриятлар эъзозланадиган жойдагина юксалиш, тараққиёт бўлади. Айнан шу сабабли мамлакатимизнинг йигирма йиллик мустақил ривожланиш йўлида барча соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқдамиз. Юртимизда Наврўз айёмини кутиб олишга кўтаринки руҳ билан тайёргарлик кўрилаётган шу кунларда ҳар биримиз ҳушёр ва огоҳ бўлишимиз даркор.

Наврўз – янгиланиш, табиатнинг уйғониш байрами. Мана шу ажойиб фаслда халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилади, баҳор таоми – сумалак тайёрланади. Шаҳар ва қишлоқларимизда байрамнинг тинч ўтишига ҳисса қўшиш, тантана ва сайиллар пайтида жамоат тартиби, ёнғин хавфсизлигига риоя этиш барчамизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади. Зотан, тинчлик ва осойишталикни сақлаш фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакилларининг эмас, балки ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, бир ҳақиқатни чуқур англаб олиш даркор: ҳар бир одам, оила, қолаверса, бутун эл-юртимизнинг бахту саодати, жамиятимизнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан одамзод таяниб яшайдиган ғоя ва маслакнинг қанчалик тўғри ва инсонийлигига, бу эътиқод унинг оиласи, фарзандлари, халқнинг эзгу мақсадларига, ҳаётига, манфаатларига нечоғлик мос келишига узвий боғлиқдир.

– Маҳалла жамиятимизда қарор топган тинчлик, осойишталик ва ўзаро ҳурмат муҳитини янада мустаҳкамлаш, оилалар фаровонлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутади, – дейди «Катта Янгиобод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Комил Зиёмуҳамедов. – Ҳозирда 3100 нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган маҳалламизда кам таъминланган оилалар, жисмоний имконияти чекланган одамлар ва қарияларга доимий ёрдам кўрсатилмоқда. Наврўз байрамида шундай хайрли ишларни янада кучайтиришни мўлжалламоқдамиз.

Ҳар бир оилага эътибор қаратиш, уларга зарур кўмак бериш, ҳар бир одамга самимий муносабатда бўлиш маҳаллада тинчлик ҳамда фаровонликнинг қарор топишига хизмат қилади. Маҳаллаларда ўтказилаётган учрашув ва суҳбатларда, маърифий тадбирларда фуқароларга бепарволик ва масъулиятсизлик, болаларни қаровсиз қолдиришнинг салбий оқибатлари ҳақида тушунтирилмоқда. Наврўз шодиёнасини тинч, осойишта ҳамда шоду хуррамлик билан кутиб олиш кўп жиҳатдан шунга боғлиқ.

«Катта Янгиобод» маҳалласида 21 кўча бор, уларнинг 18 тасида маҳалланинг ҳурматга сазовор ва тажрибали кишиларидан сайланган навбатчилар фаолият кўрсатмоқда. Улар профилактика инспекторлари, маҳалла посбонлари ва фаоллари билан бирга байрам тантаналари ҳамда сайилларини тинч ва осойишта шароитда ўтказиш учун жойларда ҳар куни навбатчилик қилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла аҳолисининг катта қисмини ташкил этадиган ёшлар билан ишлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ерда ёшлар бўш вақтини қизиқарли ва мазмунли ўтказиши учун турли маънавий-маърифий ҳамда спорт тадбирларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Янгиланиш ва яшариш байрами ҳар биримиз учун катта шодиёнадир. Неча асрлик тарихга эга Наврўз ҳақида кўплаб ривоятлар битилган, бу айёмни қанчалик хурсандчилик билан ўтказсак, табиат ҳам одамларга шунчалик саховат кўрсатади. Шундай экан, Наврўзи оламни беғубор ниятлар ила кутиб олайлик ва байрам кунларини тинч ҳамда осойишта ўтказиш учун барчамиз баҳамжиҳат ҳаракат қилайлик!

**С.ТОЖИЕВ,**
**ЎзА мухбири**







Янги лойиҳа: «Қабул куни»

# ФУҚАРОЛАР МАНФААТИ ЙЎЛИДА

***Аввал хабар берилганидек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати, «Toshkent» телерадиоканали ДУК, «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари ҳамда «Toshkent.uz» веб-сайти Тошкент шаҳар ҳокимлигининг масъул раҳбарлари, тегишли бошқарма ва ташкилотлар билан ҳамкорликда «Қабул куни» лойиҳасини тақдим этмоқда. Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси мутасаддилари ушбу лойиҳа режасига кўра илк қабул кунини ўтказди. Унда таълим соҳасидаги ислоҳотлар, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим муассасаларидаги таълим сифати, педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш каби турли мавзулардаги саволларга жавоблар берилди, мавжуд камчилик ва муаммолар юзасидан чоралар белгиланди.***

Шу йил 16-17 февраль кунлари пойтахтимизда бўлиб ўтган «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг муҳим шарти» мавзуидаги халқаро конференция муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда таълим тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар самарасини янада яққол намоён этди. Ушбу конференцияда дунёнинг 48 давлатидан ташриф буюрган 270 дан ортиқ таълим тизими раҳбарлари, олимлар ҳамда мутахассислар юртимизда келажак авлод тарбияси, маърифати йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар натижаларини ўз кўзлари билан кўрдилар ва ҳайрат ҳамда ҳаяжон билан эътироф этдилар. Конференциянинг биринчи иш кунида хорижликлар Тошкент шаҳридаги 6 та (*Олмазор туманидаги 28, 243-сонли, Ҳамза туманидаги 69-сонли, Мирзо Улуғбек туманидаги 50-сонли, Шайхонтоҳур туманидаги 169-сонли, Юнусобод туманидаги 17-сонли*) мактабга ташриф буюриб, ушбу ўқув даргоҳларидаги яратилган имкониятлар, замонавий ўқув хоналари, лаборатория жиҳозлари, ўқувчиларнинг билим даражаси, ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига юксак баҳо бердилар...

Энди бевосита янги лойиҳа хусусида тўхталадиган бўлсак, тадбир аввалида шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Тоҳир Матёқубов Истиқлол йилларида таълим соҳасига берилаётган изчил эътибор ҳақида алоҳида тўхталди. 294 умумтаълим мактаби, 447 та мактабгача таълим муассасасини ўзида бирлаштирган, 300 мингга яқин ўқувчи ва 95 мингга яқин мактаб ёшигача бўлган болажонларга таълим ва тарбия бериб келинаётган бошқарма фаолияти ҳақиқатан ҳам кўп қирралидир.

Агар шаҳар таълим соҳаси мисолида айтадиган бўлсак, ҳозирга қадар тегишли Дастурлар доирасида 264 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, замонавий мебель, лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминланган. Барча мактаблар ziyonet тармоғи орқали интернетга уланган.

2012 йилда ҳам манзилли Дастурга асосан 14 та мактабда қурилиш ишлари амалга оширилади. Шунингдек, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳам ўтган йили 17 та иншоотда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди, 2012 йилда эса яна 15 та муассасада бунёдкорлик ишлари режалаштирилган.

Ҳозирги даврда 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи билан тўлиқ қамраб олиш масаласи ҳам долзарб ҳисобланади. Шу мавзуда тўхталар экан, Тоҳир Матёқубов жорий йилда 38 минг нафардан ортиқ ўқувчи умумтаълим мактабларининг 9-синфларини тамомлаши, уларни касб-ҳунар коллежи ёки академик лицейларга қамраб олиш ишлари жадал олиб борилаётгани, жумладан, мактабларнинг битирувчилари ўртасида икки марта сўровнома ўтказилгани, касблар фестивали, очиқ эшиклар куни, ота-оналар билан учрашувлар ташкил этилаётгани ҳақида гапирди.

— Шуни таъкидлаш лозимки, — деди бошқарма раҳбари, — шаҳримиздаги 30 та мактабда 2012-2016 йилгача мўлжалланган Дастур асосида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, уларнинг моддий-техник базаси ривожлантирилиб, лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси билан таъминлаш 2012-2014 йилларда тўлиқ ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

Т. Матёқубовнинг таъкидлашича, бугунги кунда умумтаълим мактабларини малакали педагоглар билан таъминлаш борасида, гарчи бошқа ўқитувчиларнинг дарс юкламасини кўпайтириш ҳисобига дарслар тўлиқ ўтилаётган бўлса-да, айрим муаммолар мавжуд. Аслида дарсларнинг сифатли ўтилиши мақсадида бир ўқитувчига меъёр бир ставка қилиб белгиланган ҳолда, баъзан ўқитувчи кадрларга бўлган эҳтиёжнинг тўла қопланмаганидан келиб чиқиб бу меъёрнинг ошиб кетиши ҳоллари учрайди.

2011 йил давомида умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан содир этилган жиноятчилик ҳолатлари 2010 йилга нисбатан 11 тага камайганлиги қайд этилди. Гарчи шаҳар миқёсида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик ҳолатларининг камайишига эришилган бўлса-да, бу борадаги ишлар янада кучайтирилиши, бу ҳолат хотиржамликка берилишга сабаб бўлмаслиги лозим.

Шунингдек, мактабгача таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларнинг баъзиларида таъмирлаш ишларини олиб бориш борасидаги ишлар ҳақида ҳам атрофлича тўхталинди.

Сўнг телефон рақамлари орқали мулоқот, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг электрон манзили ҳамда фуқароларнинг видеосаволларига ўтилди.

**Журналист Дилшод Бўриевдан савол:** ***Тоҳир ака, сизнинг фуқароларни қабул қилиш вақтингиз қайси кунларга белгиланган?***

*Тоҳир Матёқубов:* Бошқармада қабул вақтим ҳафтанинг сешанба куни соат 14.00 дан 17.00 гача, жума куни соат 9.00 дан 12.00 га қадар белгиланган. Қабулга келган ҳар бир фуқаро билан шахсан суҳбатлашаман, уларнинг муаммосини тўлиқ эшитиб, ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламан.

Шу ўринда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлимлари (ХТМФМТТЭТБ) мудирларининг қабул кунлари ҳақида Бектемир, Миробод, Сергели, Шайхонтоҳур туман бўлимлари раҳбарларига ҳам сўз берилди. Маълум бўлишича, туманларда ҳам халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими мудирларининг қабул вақтлари сешанба ва жума кунларига белгиланган бўлиб, уларда ўртача ўн-ўн икки нафар фуқаролар мурожаат қилади, бунда асосан мактаблар, мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш, таълим жараёнлари билан боғлиқ бўлган бошқа турли муаммолар кўтарилади.

«Қабул куни» лойиҳаси бўйича шаҳримиздаги баъзи мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги ўрганишлар шуни кўрсатдики, намунали таълим жараёнлари, мактаблардаги саришталик, тартиб-интизом, яратилган шароитлардан риоясидагидек фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг имкониятларини очиш, истеъдод қирраларини кашф этиш, илмга чанқоқ фарзандларни рағбатлантириб бориш ва бошқа кўплаб ҳолатлар кўнгилни хушнуд қилади. Ўқувчиларнинг бундан йигирма ёки ўн йил илгариги болалардан фикрлаши, билимга чанқоқлиги, шижоатида ҳам кескин фарқ борлиги ҳаёт ҳақиқати ва бу улкан натижаларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Мамлакатимиз Президенти раҳнамолигида келажак авлоднинг баркамол бўлиб вояга етиши йўлида амалга ошираётган барча ислоҳотлар ўз меваларини беряпти. Шу ўринда ушбу тарихий жараёнларда елкадош бўлиб, юртимизда таълим сифатини ошириш йўлида фидойилик қилаётган устоз ва муаллимларнинг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқдир.

***Олмазор тумани Беруний майдони, 6-йўлак, Нозимахоним кўчаси, 30-уйда яшовчи Турғунбой Мирзалиев саволи: Тошкент шаҳри мактаблари географик хариталар, атласлар ва ер шарининг глобуслари билан қанчалик таъминланган? Бу кўрсаткич қанча фоизни ташкил этади?***

*Олмазор туман ХТМФМТТЭТБ мудири Муҳайё Ғанихўжаева:* Туманимиздаги 32 та мактабда Дастур доирасида таъмирлаш ишлари олиб борилиб, керакли мебель, ўқув-лаборатория ускуналари, кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган, шу жумладан география фанидан дунё харитаси, ер шари глобуслари билан ҳам тўлиқ таъминланган.

*Т.Матёқубов:* Қўшимча сифатида шуни айтиш керакки, Тошкент шаҳридаги барча мактаблар географик хариталар, глобуслар билан 100 фоиз таъминланган десак тўғри бўлмас, лекин Дастур доирасида таъмирдан чиққан барча мактабларда бу масала тўлиқ ҳал этилган. Бу бир қарашда майдадек кўринган савол бўлса-да, аслида муҳим масала ҳисобланади. Бошқарма томонидан таъминланиш даражаси мониторинги олиб борилиб имкон қадар барча ўқув масканларида ушбу ўқув ва кўргазмали қуролларнинг етарли даражада бўлишига эришиш чоралари кўриб борилади.

***Тошкент телерадиоканали ижодкорлари томонидан Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаролардан олинган видеосаволларга қуйидагича жавоблар берилди:***

**Савол:** ***Фарзандим баъзи товушларни айта олмайди. Ҳозирда нутқида нуқсони мавжуд болалар учун логопедик мактабгача таълим муассасалари қайси туманларда бор ва бу масала бўйича қаерга мурожаат қилишим мумкин?***

*ТШХТББ бўлим бошлиғи Дилобар Зайнутдинова:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 117-сонли қарорига кўра, махсус мактабгача таълим муассасаларида тарбияланувчи болалар тоифасига нутқида оғир нуқсони бўлганлар орасидан дизартрия, ринолалия, логоневроз, алалия, болалар афазияси билан хасталанганлар киритилган.

Нутқида енгил нуқсони бўлган болалар учун эса, барча мактабгача таълим муассасаларида дефектолог штатлари очилиб, бундай болалар билан мутахассислар шуғулланиши таъминланган.

**Савол:** ***Фарзандимни мактабгача таълим муассасасига жойлаштирмоқчи эдим, шунга қандай ҳужжатлар керак бўлади?***

*ТШХТББ бўлим бошлиғи Дилобар Зайнутдинова:* Бу борада барча халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман бўлимларида мактабгача таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича комиссиялар фаолият юритади. Комиссияларнинг белгиланган қабул кунларида, яъни ҳафтанинг сешанба куни соат 14.00-17.00 гача, жума куни соат 9.00-12.00 гача тегишли ҳужжатлар (ота-онасининг паспорт нусхаси, боланинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома нусхаси, турар жойидан маълумотнома) тақдим этганингиздан сўнг, болангизни йўлланма асосида жойлаштириш имконига эга бўласиз.

**Савол:** ***Фарзандим бу йил 3 ёшга тўлади, унинг кўриш қобилияти бир оз паст. Чилонзор туманида бундай болаларга мўлжалланган мактабгача таълим муассасаси борми? Унга фарзандимни қандай жойлаштирсам бўлади?***

*Чилонзор туман ХТМФМТТЭТБ мудири Талъат Шаҳамедов:* Туманда 322-сонли кўзида нуқсони бор болаларга мўлжалланган махсус мактабгача таълим муассасаси бор. Унга албатта турар жойидаги поликлиникадан тор доирадаги мутахассислар хулосаси, туман тиббиёт бирлашмаси кўз шифокори ва психоневролог хулосаси, боланинг туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ксеронусхаси, ота-онасининг паспортидан ксеронусха, турар жойидан ва иш жойидан маълумотнома керак бўлади. Шу ҳужжатлар билан Чилонзор туманидаги махсус комиссияга учрашиш керак.

**Савол:** ***Мактабгача таълим муассасаларида болаларни овқатлантириш тартиби қандай?***

*ТШХТББ бўлим бошлиғи Д.Зайнутдинова:* Болаларни овқатлантириш мактабгача таълим муассасаларининг неча соат ишлашига боғлиқ. Бугунги кунда кўпгина мактабгача таълим муассасалари 10,5 соат ишлайди, яъни соат 7-30 дан 18-00 гача. Шу сабабли тарбияланувчиларни 3 маҳал овқатлантириш йўлга қўйилган: нонушта, тушлик ва кечки чой. Кечки овқат эса санатор типдаги 12 соатлик мактабгача таълим муассасаларида берилади.

**Савол: Мактабгача таълим муассасаларида кам таъминланган оила фарзандлари учун қандай имтиёзлар бор?**

*ТШХТББ бўлим бошлиғи Д.Зайнутдинова:* Халқ таълими ва Молия вазирликларининг 2008 йил 13 февралдаги «Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори асосида мактабгача таълим муассасасидаги умумий болалар сонидан 15 фоизи муассасага бепул қатнаши мумкин. Бунинг учун тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, яъни энг аввало, «Кам таъминланган оила фарзанди» деган маълумотнома тақдим этсангиз, ушбу масала ўрнатилган тартибда кўриб чиқилади.

**Савол:** ***Фарзандим бу йил 6 ёшга тўлади, уни мактабга бермоқчиман, бунинг имконияти борми?***

*Т.Матёқубов:* Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунига асосан бола 6 ёки 7 ёшдан мактабда таълим олиши мумкин, агар у ҳар томонлама таълимга тайёр бўлса. Боланинг тайёргарлик даражасини туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари қошидаги психологик педагогик комиссия аниқлайди, агар комиссия шундай хулосага келса, бу бола тегишли йўлланма асосида мактабга ўқишга қабул қилинади.

**Савол: Қизим бу йил мактабни тамомлайди, ўқишлари яхши, барча фанлардан аъло баҳоларга ўқиб, 9-синфни аъло даражали шаҳодатнома билан тамомласа, касб-ҳунар коллежига, академик лицейга имтиҳонсиз кириши мумкинми?**

*Т.Матёқубов:* 9-синф битирувчиларини ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларига қабул қилиш тартибини белгиловчи амалдаги Низом талабларида аъло даражали шаҳодатнома билан ўрта махсус касб-ҳунар коллежларига ва академик лицейларга имтиҳонсиз қабул қилиш назарда тутилмаган.

**Савол:** ***Фарзандим бу йил 1-синфга чиқади. Эшитишимча, шаҳримизда ихтисослаштирилган мактаблар бор экан. Мен боламни бундай мактабларнинг бирига қандай жойлаштиришим мумкин?***

*Т.Матёқубов:* Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сонли қарори асосида Тошкент шаҳрида 16 та ихтисослашган мактаблар фаолият кўрсатмоқда. Сизнинг фарзандингиз бу йил 1-синфга чиқадиган бўлса, уни яшаш манзилингизга яқин бўлган мактабларнинг бирига белгиланган тартиб асосида жойлаштиришингиз мумкин. Аммо ихтисослаштирилган синфлар юқорида қайд этилган қарор билан тасдиқланган Низомга мувофиқ, 2-синфдан ташкил этилади. Яъни, фарзандингиз қабул қилинган мактабнинг 1-синфини тугатганидан сўнг танлов асосида айрим фанлар чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган 2-синфга қабул қилиниши мумкин...

Қабул сўнггида ушбу лойиҳанинг бошқарма ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлидаги самарали восита бўлганига тўхталинар экан мутасаддилар фаолиятлари билан боғлиқ ҳар қандай мурожаатларга ҳамиша тайёр эканликлари, бошқарма эшиклари фуқаролар учун доимо очиқ экани таъкидлашди. Албатта, бевосита мулоқот чоғида эришилаётган ютуқлар билан бирга баъзи мактабларда йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам эътибордан четда қолмади. Шунингдек, шаҳримиз мактаблари ошхоналарида хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш, баъзи ўқув масканларини таъмирлаш, қишки мавсумга тайёрлаш каби саволларга ҳам мутасаддилар томонидан тўлиқ жавоблар қайтарилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, лойиҳа эълон қилинганидан буён Тошкент шаҳар ҳокимлигининг электрон манзилига, шунингдек, Ахборот маркази томонидан белгиланган телефон рақамларига ҳам бир қанча мурожаатлар бўлди. Барча мурожаатларга эътибор қаратилиб, уларга бошқарма раҳбариятининг жавоблари олинди. Улар билан муфассал тарзда Toshkent.uz веб-сайти орқали танишиш имконига эга бўласиз.

**НАВБАТДАГИ «ҚАБУЛ КУНИ»НИ ШУ ЙИЛ 28 МАРТ КУНИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМИ ЎРИНБОСАРИ, «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ РАҲБАРИ ШОМУРОД МУҲАМЕДЖАНОВ БОШЧИЛИГИДА СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎТКАЗАДИЛАР.**

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**
**Ахборот хизмати**

Қарор ва ижро

# ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙДИ

***Етим болалар ва боқувчисини йўқотган болалар давлат муҳофазаси ва ёрдамига айниқса муҳтож бўлади. Уларни ижтимоий муҳофаза қилиш йўлида мамлакатимизда кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда бу борадаги ҳуқуқий база изчил равишда такомиллаштирилмоқда. Етим болаларнинг муносиб билим олишлари, имкон қадар оилавий муҳитга яқинлаштирилган шарт-шароитларда униб-ўсишлари, жамиятга мослашишлари йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.***

Етим болалар ва боқувчисини йўқотган болаларни турар жой билан таъминлаш энг муҳим вазифалардандир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августда қабул қилган «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори доирасида Меҳрибонлик уйларининг собиқ тарбияланувчилари турар жойлар билан таъминланмоқда ва турар жойларни тақдим этиш тартиблари такомиллаштирилмоқда.

– Меҳрибонлик уйининг ҳар бир собиқ тарбияланувчиси турар жойга ва муносиб яшаш шароитларига муҳтож бўлиб, бунинг учун у қонуний ҳуқуқга эга, – дейди Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги қошидаги турар жой майдонларини ҳисобга олиш ва тақсимлаш бўлими бошлиғи Г.Норқўзиева. – Биз имконимиз борича ёш ўғил-қизларимизни яхши шароитларга эга бўлган турар жойларга жойлаштиришга ҳаракат қиляпмиз ва мунтазам равишда уларнинг ҳолидан хабар олиб турибмиз. Агар болалар қонуний тарзда бириктирилган ва мерос бўлиб қоладиган турар жойларга эга бўлиб, унга кўчиб ўтсалар жуда яхши, аммо бундай бўлмаган тақдирда давлат бу ишни кафолатлайди. Биз 2011 йилда уч нафар ёшни турар жой билан таъминладик.

– Мен ғиштдан қурилган тўрт қаватли уйда ўз хонадонимга эга бўлганимдан жуда хурсандман, – дейди Меҳрибонлик уйи битирувчиси А.Тихонова. – Кўчиб киришимдан аввал уйда таъмирлаш ишлари якунланиб, яхши сантехника воситалари ва янги ромлар ўрнатилибди, айвон қиш фаслига мослаштирилибди. Бу ишларнинг ҳаммаси олдиндан пухта ўйлаб амалга оширилибди. Энди мен мустақил инсон сифатида ҳаётга бошқача кўз билан қарай бошладим. Ҳозирги пайтда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг 2-курсида ўқимоқдаман.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида ҳам етим болаларни турар жой билан таъминлаш борасидаги ишлар изчил олиб борилмоқда.

– Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар, шу жумладан, 18 дан 23 ёшгача бўлган доимий бириктирилган турар жойга эга бўлмаган ва турар жойга муҳтож шахслар сифатида ҳисобда турувчилар уй-жой олиш ҳуқуқига эга, – дейди Мирзо Улуғбек тумани ҳокимиятининг вояга етмаганлар ишлари бўйича масъул котиби Р.Алибоев. – Ўз уйига эга бўлмаган шахслар уй-жой коммунал уй-жой фонди уйлари ёки вақтинчалик фойдаланилмай турган ётоқхоналар, уйлардаги хоналарга ва бўш хонадонларга жойлаштирилади. 2011 йилда етти нафар йигит-қиз бизнинг ёрдамимиз билан турар жойга эга бўлди.

Ҳомийлар ва бизнес субъектлари томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар ҳам бу борада катта аҳамият касб этмоқда. Хўжалик бошқаруви органлари, тадбиркорлик субъектлари, бошқа юридик ва жисмоний шахслар бепул фойдаланиш шартномалари, ҳадя ва бошқа ихтиёрий тузилган шартномалар асосида жойлардаги давлат ҳокимияти органларига кейинчалик уй-жойларни етим болалар ҳамда ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга ўтказиб бериш шарти билан беришлари ва фойдаланиш учун топширишлари мумкин. Бундан ташқари, уй-жойни жиҳозлашда ёки муносиб шарт-шароитларни яратиш бўйича ҳам кўмаклашиш имкониятлари мавжуд.

– Ҳозир Шайхонтоҳур туманида жойлашган менинг янги олган бир хонали уйимда таъмирлаш ишлари кетмоқда, – дейди А.П.Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйининг собиқ тарбияланувчиси Комила Аулова. – Менга ёрдам қўлини чўзаётган барча инсонлардан миннатдорман. Электр симлари янгиланди, уйнинг сантехникасини таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди, ҳадемай янги ромлар ўрнатилади. Мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида 1-курсда таҳсил оляпман. Талаба сифатида менга дарсларимни ўз вақтида тайёрлашим учун яхши шароитларга эга уй-жой ниҳоятда зарур эди. Ушбу ниятимга эришганимдан ғоят мамнунман.

Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар аҳолининг энг ёрдамга муҳтож қатламларидан бири ҳисобланади. Уларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, шунингдек, жамиятга мослашув жараёнларини енгиллаштириш учун давлатимиз томонидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларни турар жой билан таъминлаш ҳам ана шу хайрли ишлар сирасига киради.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдоларига Юнусобод туман СИБ томонидан,** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036-10-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Мудофаачилар кўчаси, 60-уйда жойлашган, умумий майдони 158,85 кв.м бўлган, 6 та яшаш хона, ошхона, 2 та айвон, ертўла, ошхона, ҳожатхона, болохона, 2 та бостирма, очиқ айвон ва бостирма йўлакдан иборат уй қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 72 485 115 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 16 апрель куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 13 апрель куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Лицензия: RR-0001

Спорт янгиликлари

# ШАХМАТЧИЛАРИМИЗ — ПЕШҚАДАМЛАР САФИДА

***Пойтахтимизда шахмат бўйича биринчи ўзбек гроссмейстери – Георгий Аъзамов хотирасига бағишланган «Тошкент опен» VI халқаро турнири қизғин паллага кирди.***



Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан юздан ортиқ шахматчи иштирок этаётган мазкур мусобақада, олтинчи тур якунларига кўра, бештадан очко жамғарган саккиз гроссмейстер бош совринга даъвогарлик қилмоқда.

Олтинчи турнинг энг кескин ва муросасиз баҳсларидан бири ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Антон Филиппов ва қозоғистонлик Азамат Улхонов ўртасида бўлди. Бу партияда қора доналарда ўйнаган ҳамюртимиз рақибининг барча ҳужумларини бартараф этди ва чиройли комбинация ишлатиб, 62-юришдан сўнг учрашувни ўз фойдасига ҳал қилди. Турнирда мағлубиятсиз ўйнаётган Антон Филиппов беш очко билан пешқадамлар сафида.

Яна бир тажрибали гроссмейстеримиз Марат Жумаев беларуслик Сергей Азаров билан рақобатлашди. Оқ доналарда ўйнаган ўзбекистонлик шахмат устаси партия дебютидаги устунликни қўлдан бой бермади ва 42-юришда тажрибали рақибини мот қилди. Мусобақадаги бешинчи ғалабасини нишонлаган Марат Жумаев ҳам бош соврин учун курашга қўшилди.

Турнинг марказий учрашуви озарбойжонлик Рауф Маммедов ва россиялик Максим Туров ўртасида бўлди. Баҳсда дуранг қайд этилди. Шунингдек, олтинчи турда рақибларини мот қилган гроссмейстерлардан озарбойжонлик Гадир Гусейнов, молдовалик Виорел Иордаческу, россиялик Борис Грачев ҳамда грузиялик Михаил Мчедлишвили ҳам бешинчи очкосини қўлга киритиб, мусобақа жадвалида юқорига кўтарилди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

***Бразилияда 2014 йилда футбол бўйича уюштириладиган жаҳон чемпионатига саралаш турнири учинчи босқич гуруҳ баҳсларининг сўнгги турида Вадим Абрамов бош мураббийлигидаги Ўзбекистон миллий терма жамоаси японијалик чарм тўп усталарини сафарда 1:0 ҳисобида мағлуб этиб ажойиб ғалабага эришганидан мухлисларнинг хабари бор албатта.***

## ОФКДАН ТАБРИК ХАТИ ОЛИНДИ

Ушбу муваффақиятли натижа сабаб терма жамоамиз саралаш турнирининг учинчи босқичини якка пешқадам сифатида якунлаб, ҳал қилувчи тўртинчи босқичда курашиш имкониятига эга бўлди.

Куни кеча Осиё футбол конфедерациясидан терма жамоамизга табрик хати келди. Унда кейинги йилларда Ўзбекистонда миллионлар ўйини жадал ривожланаётгани, терма жамоамиз ўйинида ҳам ижобий жиҳатлар кўзга ташланаётгани, бу ютуқлар замирида футболга мамлакат раҳбарияти томонидан берилаётган эътиборнинг аҳамияти таъкидлаб ўтилди ва терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига саралаш турнирининг ҳал қилувчи босқичида муваффақиятли қатнашишига ишонч билдирилди.

## ЎН ПОҒОНА ЮҚОРИЛАДИ

***Халқаро футбол уюшмаси — ФИФА томонидан миллий терма жамоаларнинг янги рейтинг жадвали эълон қилинди.***

Қувонарлиси шундаки, янги рейтинг натижаларига кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси ўн поғона юқорига кўтарилди. Аввалги рейтингда 77-поғонада қайд этилган терма жамоамизнинг 67-поғонага лойиқ деб топилишида жаҳон чемпионатига саралаш турнирида японияликлар устидан қозонилган тарихий ғалаба сабаб бўлди.

Шундай қилиб терма жамоамиз бугунги кунда «Чин юрти» вакилларидан бир поғона юқорилашга муваффақ бўлишди. Осиё қитъасида эса терма жамоамиз бешинчи ўринда бормоқда. Қитъада Австралия терма жамоаси биринчи ўринда, Жанубий кореяликлар иккинчи ўринда бораётган бўлса, японияликлар учинчи ўринга тушиб кетишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

***13-17 март кунлари Тошкентда замонавий япон фильмлари кунлари ўтказилади. Унда япон кинематографлари томонидан суратга олинган 5 та бадиий фильм намойиш этилади.***

## ТОШКЕНТДА ЯПОН КИНОСИ КУНЛАРИ

Ўзбекистон ва Япония ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларининг 20 йиллигига бағишланган кино ҳафталикда барча хоҳловчилар иштирок этиши мумкин.

Киночилар уйида «Ванко – мен, менинг оилам ва кучугим тарихи», «Гибикус меҳмонхонаси», «Энг қисқа она мактуби», «2-мактаб» ҳамда «Дора Хейта» кинофильмлари томошабинлар ҳукмига ҳавола этилади.

«Замонавий япон фильмлари кунлари» Япониянинг мамлакатимиздаги элчихонаси, Япон жамғармаси ҳамда «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмагида ташкил этилмоқда.

**«Туркистон-пресс»**

## ФУТБОЛ АЖОЙИБОТЛАРИ

• Кийим-кечак ишлаб чиқаришда илк бор тефлондан фойдаланиш футбол билан боғлиқ. «DuPont» компанияси машҳур дарвозабон Лев Яшинга тефлон толали бош кийим ва қўлқоп туҳфа қилган. Бош кийим унга жуда ёқди. Аммо қўлқоплар уни хафа қилган. Чунки тефлон толали матодан қилинган қўлқоплардан тўп сирғаниб чиқиб кетаркан. Бу кўп бор ўз тасдиғини топган. Ким билади, дейсиз, эҳтимол, Яшинга атайин шунақасидан совға қилишгандир!

• Дунё бўйлаб футбол учрашувларида икки юз йигирмата юрак хуружи тутиб қолиши қайд этилган. Бу фақат стадионларнинг ўзида. Мазкур рўйхатга телевизор қаршисида ўтириб, юрагини чангаллаб қолганлар киритилмаган.

• 1964-68 йилларда Испания терма жамоасида тўп сурган Хэсус Мануэль Девота эшкак эшиш бўйича иккита олимпиада олтин медалининг соҳиби эди. Худди ана шу терма жамоа ўйинчиси Меса Лусидо эса спортдан кетганидан сўнг, яъни 1969 йилда П.Чайковский мусиқаси бўйича Москвада ўтказилган танловда Барселона шаҳри оркестри сафида иштирок этган.

• Саудия арабистонилик Мажид Абдулла Муҳаммад 1978 йилдан 1994 йилгача терма жамоаси сафида 147 марта майдонга тушган.

**Назокат ЖАЛИЛОВА**
**тайёрлади**

Тиббиёт

## ҲАМШИРАЛИК ТАЪЛИМИ ЛОЙИҲАСИ — АМАЛДА

***Дунёнинг турли мамлакатларида ҳамширалик касбига алоҳида мутахассислик касби сифатида қаралмоқда. Республикамизда ҳам ҳамширалик касбининг равнақи кун сайин ошиб бормоқда.***

Маълумки, мамлакатимизда тиббиёт ҳамшираларини тайёрлаш ва уларни ихтисослаштириш бўйича Давлат дастурига амал қилинмоқда. Бу дастурда олий маълумотли ҳамширалар тайёрлашга катта эътибор берилган. Бинобарин, жамиятимиз учун етук, малакали тиббий кадр етказиб бериш муҳим аҳамият касб этаётир.

Таъкидлаш ўринлики, Тошкент Тиббиёт академияси ташкил топганлиги муносабати билан олий маълумотли ҳамширалар тайёрлаш факультети ҳам иш бошлади. Кейинги йилларда ҳамширалик ишини такомиллаштиришда қатор ўзгаришлар юз берди. Жумладан, Ўзбекистонда Япониянинг «Жайка» халқаро ҳамкорлик агентлиги билан ҳамкорлик талабаларнинг «Ҳамширалик таълимини такомиллаштириш» лойиҳасида амалий кўникмаларининг салоҳиятини оширмоқда. Лойиҳада бир қанча талабалар ҳамда ассистентлар ҳам иштирок этиб, унинг сертификатига эга бўлишди.

Факультет халқаро миқёсда ҳамширалар тайёрлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

**Акбар АЛИЕВ**

Мутахассис маслаҳати

## ҚИЗАМИҚДАН САҚЛАНИНГ

***Қизамиқ ўткир юқумли касаллик бўлиб, махсус тошма ҳамда кўзларнинг конъюктивлари ва юқори нафас йўллари шиллиқ қатламининг зарарланиши билан ажралиб туради.***

Ушбу хасталик ҳаво йўллари орқали тарқалади. Организмга қизамиқ вируси юқори нафас йўлларининг шиллиқ қатлами орқали ўтиб, у ердан қон орқали бутун организм бўйлаб тарқалади. Вирус истаган тери ҳужайраларини, кўзларнинг шиллиқ қобиғини, нафас йўлларини ва оғиз бўшлиғини зарарлантиради. У ташқи муҳитга инкубацион даврнинг охирги икки кунидан ва тошма тошган кундан бошлаб тўртинчи кунга қадар вирус тарқатади. Қизамиққа қарши профилактик эмлашни олмаганлар ва мазкур касалликка чалинмаганлар, бутун ҳаёти давомида уни юқтириши мумкин бўлиб, ҳар қандай ёшда вужудга келиш эҳтимоли мавжуд. Қизамиқдан тўлиқ ҳимояланишга 94-97 фоиз болаларнинг 15 ойлик давргача иммунизациясини амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Касалликнинг яширин инфекция даври 9-11 кунни ташкил этади. Яширин даврнинг иккинчи ярмидан илк белгилар вужудга келиши мумкин (бир ёшгача болаларда тана вазнининг камайиши, йўтал ва бурун оқиши, пастки кўз қовоғининг шишиши, кўзлар конъюктивларининг қизариши). Касалликнинг бошланғич даврида тана ҳарорати 38-39°С гача кўтарилади, бўшашиш, қувватсизлик, иштаҳанинг бўғилиши кузатилади.

Касалланишнинг 3-4 кунига келиб, иситма бироз пасаяди, лекин тошмалар ҳисобига яна кўтарилади. Нафас йўллари зарарланади. Тошмалар босқичма-босқич даврга эга бўлиб, аввал юз ва бўйинда, иккинчи куни танада, қўлларда, учинчи кун эса оёқларда вужудга келади. Юзлардагиси эса оқаришни бошлайди. Одатда тошмаларнинг аксарият қисми юз, кўкракнинг тепа қисми ва бўйинга тўғри келади. Тошмалар нотўғри шаклга эга бўлиб, марказида бироз кўтарилади. Одатда тошмаларнинг диаметри 10 мм.дан ошмайди, улар ўзаро қўшилиб кетиш хусусиятига эга. Тошмаларнинг сўниши тахминан 3-4 кунга тўғри келади, улар ўзидан кейин тўқиш пигментация қолдиради, вақт ўтган сари тошмаларнинг ўрнида терининг юпқа кўчиши кузатилади. Қизамиқнинг типик белгиси, бу аксарият ҳолларда йиринг табиатига эгадир. Эрталабки пайтда киприкларнинг бир-бирига ёпишиб қолиши кузатилади. Йирингли инфекциянинг қатламланиши ўпка шамоллашини ҳам келтириб чиқариши мумкин. Оғир асорат сифатида марказий нерв тизимининг зарарланиши саналади, лекин бундай ҳолатлар жуда кам учрайди. Болани ҳар қандай ҳолатда шифокор назоратидан ўтказинг. Аниқ ташхисни фақат у белгилайди. Болани доим тоза ҳавода сайр эттиринг. Сифатли ва турли-туман озиқ-овқатлар билан таомномасини бойитинг. Унинг иммунитети бақувват бўлса, аксарият касалликлардан йироқ бўлади.

**А.НИЗАМОВ,**
**Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали бўлим бошлиғи**

Оз-оз ўрганиб доно бўлур

## ҲИКМАТ — ДИЛ ЧИРОҒИ

### ТЎРТЛИКЛАР

**Арпангни хом ўрган эмасман,**
**Остонангда турган эмасман.**
**Майли, энди кўришмасак ҳам,**
**Кўнглингда нур кўрган эмасман.**

* * *

**Етим ноҳақ бўзласа,**
**етти осмон йиғлагай,**
**Етти осмон қошида етти**
**посбон йиғлагай.**
**Гар очилса қалб кўзинг,**
**кўрармидинг, эй нодон,**
**Шу етимга қўшилиб,**
**балки раҳмон йиғлагай.**

* * *

**Чаманлар чорлади,**
**бирга бордик биз,**
**Баҳор балқиганда қирга бордик биз.**
**Лоладек ловуллаб ишқ оташида,**
**Садоқат самосин нурга қордик биз.**

* * *

**Ҳар тонг хуш ниятда**
**турганмисан, айт,**
**Шабнам ила суҳбат**
**қурганмисан, айт.**
**Оёғинг остига бир тийрак боқиб,**
**Чумоли изидан юрганмисан, айт.**

* * *

**Бунчалар шириндир Ватан каломи,**
**Қўл етмас жойдадир Ватан мақоми.**
**Бобурни шер қилган сеҳр ҳам асли,**
**Андижондан борган**
**юртнинг саломи.**

* * *

**Булбул булбуллиги ўзига аён,**
**Зоғ қаҳри тиғ тутган сўзига аён.**
**Севдим деган сўзни айтгиси келган,**
**Ошиқнинг оҳлари кўзига аён.**

* * *

**Қошу қабоғингдан қорлар**
**ёғдирдинг,**
**Кўксимни чок қилдинг,**
**зорлар ёғдирдинг.**
**Яшаб яйрамадим бағрингда, эй ёр,**
**Бошимдан балолар,**
**хорлар ёғдирдинг.**

* * *

**Ҳайрат — ҳар бир дилга**
**берилган тилсим,**
**Севги — ҳар бир ошиқ**
**сирлаган тилсим.**
**Ҳар гулга қўл чўзмоқ**
**сукликка нисбат,**
**Бир гулни бир булбул**
**асрашни билсин.**

* * *

**Оқилни ортидан югурсанг арзир,**
**Одамсан, оламни**
**ўрганмоқ фарздир.**
**Илмли нигоҳла тошни талқонлар**
**Сенга ҳам ўқимоқ қиёмат қарздир.**

* * *

**Ҳавас-ла яшамоқ ҳар кимга хосмас,**
**Хасадга ҳуруж ҳам инсонга мосмас.**
**Бириси фазилат, бириси қусур,**
**Ҳавас дур, одам-чи,**
**доим ғаввосмас.**

**(Давоми бор)**

**Маҳмуд ТОИР**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **15 март** куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ёмғир ёғиш эҳтимоли бор. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража совуқ, кундузи — 15 даража илиқ атрофида бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **15 мартда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, тағмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 341
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 11752 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.50
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5